

**Жорий таъмирлашга оид  
ШАРТНОМАС № 12  
ЛОТ (22110012155181)**

Самарқанд туман

2022 йил "26" Октябрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Самарқанд туман Халқ таълими бўлими номидан «Низом» асосида иш кўрувчи раҳбар **Б.Мардонов** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган PARVIZ UNIVERSAL QURILISH номидан «Устав» асосида иш кўрувчи **А.Каримов** иккинчи томондан, бўйича куйидаги шартномани туздилар.

**I. ТАРИФЛАР**

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Самарқанд туман Халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактабни лойихада кўзда тутилган холда қуриш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Сумма	ККС 15%	Шартноманинг умумий қиймати
1	1-сон Мактаб иссиқлик тизимини жорий таъмирлаш	87 067 016	75 400 014	11 310 002	86 710 016
	Жами				86 710 016

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА  
ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "13" Октябрдаги 3-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда (ККС) билан бирга жорий нархлар 86 710 016 (Саксон олти миллион етти юз ўн минг ўн олти) сўм.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда; ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кузда тутилган холлар бундан мустасно); объектнинг курилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтқазилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 50 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (үттиз) фоизи миқдорида аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) хамда назорат куригидан утказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишига топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлами тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

### VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуктларида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулияти конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни кабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишишлар муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишишлар муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар туталлангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиди бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиди бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

32. Агар енгиди бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечичирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10% фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортниши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 18% фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, молмулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиласди.

## **XIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.**

5.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қиласди.

5.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараённида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл қўймайдилар.

5.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

5.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад етадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўреатиши ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажариши.

5.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга нокулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

5.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қиласлик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилингандек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга

асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли молмукни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечикиришга хаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, 26.10.2022йил Фазначиликдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш мuddати 31.12.2022 йилгacha хисобланади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### ПУДРАТЧИ

Ташкилот номи: PARVIZ UNIVERSAL QURILISH  
Манзил: Тойлоқ т, Гадойкушчи МФЙ,

Телефон: (98)-273-02-68

Х\р: 20208000104814069001

Банк номи: “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”

Банк коди: (МФО) 01037

ИНН: 301394578

ОКЭД: 41201



Рахбар: А.Каримов

### БЮОРТМАЧИ

Ташкилот номи: Самарқанд туман Ҳалқ таълими бўлими  
Манзил: Самарқанд туман, Пулимугоб маҳалласи

Телефон: (97)-578-78-80

Х\р/Р: \_\_\_\_\_

ШХ/Р: 100022860182337092100075077

Ташкилот СТИР: 200776975

ОКЭД: 85310

КТУТ \_\_\_\_\_

Фазначилик булими: Уз.Рес.Молия ваз Газначилиги

Ягона ғазна хисоб вараги

Фазначилик х\р: 23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банк

Банк коди(МФО) 00014

Фазначилик СТИРи: 201122919

Рахбар: Б.Мардонов

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: ST32727084



IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: ST32727084



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**FZ1878246061**

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: Samarqand tumani Xalq ta`lim bo'limi va PARVIZ  
UNVERSAL QURILISH o'rtasidagi pudrat shartnomasi haqida**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Samarqand tuman  
xalq ta'limi tomonidan 17.10.2022 yilda kiritilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish  
maqsadga muvofiq.

**Samarqand tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**J.E.MAMADIYAROV**

**21.10.2022**

2022й Октябрь даги № 12 сон шартномага

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Н п.п.	Наименование работ и затрат	Единица измерения	Количество	В текущих ценах	
				на штукометраже	Сумма
1	3	4	5	7,00	8,00
<b>УЧЕБНЫЙ БЛОК 3-Х ЭТАЖНОЕ</b>					
1	РАЗБОРКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ СТАЛЬНЫХ ТРУБ В ЗДАНИЯХ И СООРУЖЕНИЯХ: ДИАМЕТРОМ ДО 50 ММ	100М	1,25	1 249 402,57	1 561 753,21
2	ДЕМОНТАЖ РАДИАТОРОВ ВЕСОМ ДО: 80 КГ	100ШТ	0,28	2 512 509,74	703 502,73
3	УСТАНОВКА КОТЛОВ СТАЛЬНЫХ КОМБИНИРОВАННЫХ	КОТЕЛ	1	1 154 724,31	1 154 724,31
4	КОТЛЫ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ (ЗАПАЛЬНИКОМ И КЛАПАНОМ БЕЗОПАСНОСТИ ПО ГАЗУ) КОК 50 КВТ	ШТ	1	6 521 739,00	6 521 739,00
5	УСТАНОВКА БАКОВ РАСПИРИТЕЛЬНЫХ КРУГЛЫХ И ПРЯМОУГОЛЬНЫХ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,1 М3	БАК	1	1 149 780,61	1 149 780,61
6	ВЕНТИЛЯТОР ДЛЯ ПРОДУХА	ШТ	1	399 600,00	399 600,00
7	НАСОС С ЭЛ.ЦИРКУЛИРУЮЩИЙ	ШТ	1	735 540,00	735 540,00
8	КЛАПАН ОБРАТНЫЙ СТАЛЬНОЙ Д.50 ММ	ШТ	1	193 604,73	193 604,73
9	УСТАНОВКА ДЫМОХОДА ИЗ СТАЛЬНЫХ ЭЛЕКТРОСВАРНЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 100 ММ	100М	0,04	13 130 716,87	525 228,67
10	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ОТОПЛЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ НЕОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 25 ММ	100М	0,5	3 185 647,19	1 592 823,59
11	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ОТОПЛЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ НЕОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 50 ММ	100М	0,75	6 273 104,60	4 704 828,45
12	ГИДРАВЛИЧЕСКОЕ ИСПЫТАНИЕ ТРУБОПРОВОДОВ СИСТЕМ ОТОПЛЕНИЯ, ВОДОПРОВОДА И ГОРЯЧЕГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ ДИАМЕТРОМ ДО 50 ММ	100М	1,25	119 690,60	149 613,25
13	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ПОВЕРХНОСТЕЙ ТРУБ ДИАМЕТРОМ МЕНЕЕ 50 ММ И Т.П., КОЛИЧЕСТВО ОКРАСОК 2	100М2	0,2625	2 161 113,21	567 292,22
14	ПРОЧИСТКА И ПРОМЫВКА ОТОПИТЕЛЬНЫХ ПРИБОРОВ: РАДИАТОРОВ ВЕСОМ ДО 80 КГ ВНУТРИ ЗДАНИЯ	100ШТ	0,2	6 949 535,32	1 389 907,06
15	УСТАНОВКА РАДИАТОРОВ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ АЛЮМИНИЕВЫЕ Н-500	100КВТ	0,532	44 380 384,92	23 610 364,78
16	УСТАНОВКА КРАНОВ СПУСКА ВОЗДУХА СТД 7073В, ЛАТУННЫЕ	КОМПЛЕКТ	28	23 904,47	669 325,03
17	ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ ФАСОННЫЕ ЧАСТИ АМЕРЕКАНКА, ЗАГЛУШКА	ШТ	56	4 133,85	231 495,60
18	ВЕНТИЛЬ ДЛЯ РАДИАТОРА ДУ20 ММ	ШТ	28	28 110,18	787 085,04
19	ПУСКАТЕЛЬ МАГНИТНЫЙ ПМЕ-221 УЗВ	ШТ	1	283 113,59	283 113,59
<b>СПОРТЗАЛ</b>					
20	РАЗБОРКА КОТЛОВ СТАЛЬНЫХ	КОТЕЛ	1	743 586,31	743 586,31
21	РАЗБОРКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ СТАЛЬНЫХ ТРУБ В ЗДАНИЯХ И СООРУЖЕНИЯХ: ДИАМЕТРОМ ДО 50 ММ	100М	0,62	1 249 402,57	774 629,59
22	УСТАНОВКА КОТЛОВ СТАЛЬНЫХ КОМБИНИРОВАННЫХ	КОТЕЛ	1	1 154 724,31	1 154 724,31
23	КОТЛЫ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ (ЗАПАЛЬНИКОМ И КЛАПАНОМ БЕЗОПАСНОСТИ ПО ГАЗУ) КОК 50 КВТ	ШТ	1	6 521 739,00	6 521 739,00
24	УСТАНОВКА БАКОВ РАСПИРИТЕЛЬНЫХ КРУГЛЫХ И ПРЯМОУГОЛЬНЫХ ВМЕСТИМОСТЬЮ 0,1 М3	БАК	1	1 149 780,61	1 149 780,61
25	ВЕНТИЛЯТОР ДЛЯ ПРОДУХА	ШТ	1	399 600,00	399 600,00
26	НАСОС С ЭЛ.ЦИРКУЛИРУЮЩИЙ	ШТ	1	735 540,00	735 540,00
27	КЛАПАН ОБРАТНЫЙ СТАЛЬНОЙ Д.50 ММ	ШТ	1	193 604,73	193 604,73
28	УСТАНОВКА ДЫМОХОДА ИЗ СТАЛЬНЫХ ЭЛЕКТРОСВАРНЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 100 ММ	100М	0,04	13 130 716,87	525 228,67
29	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ОТОПЛЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ НЕОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 25 ММ	100М	0,3	3 185 647,19	955 694,16
30	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ОТОПЛЕНИЯ ИЗ СТАЛЬНЫХ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫХ НЕОЦИНКОВАННЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 50 ММ	100М	0,32	6 273 104,60	2 007 393,47
31	ГИДРАВЛИЧЕСКОЕ ИСПЫТАНИЕ ТРУБОПРОВОДОВ СИСТЕМ ОТОПЛЕНИЯ, ВОДОПРОВОДА И ГОРЯЧЕГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ ДИАМЕТРОМ ДО 50 ММ	100М	0,62	119 690,60	74 208,17
32	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ПОВЕРХНОСТЕЙ ТРУБ ДИАМЕТРОМ МЕНЕЕ 50 ММ И Т.П., КОЛИЧЕСТВО ОКРАСОК 2	100М2	0,1736	2 161 113,21	375 169,25
33	ПРОЧИСТКА И ПРОМЫВКА ОТОПИТЕЛЬНЫХ ПРИБОРОВ: РАДИАТОРОВ ВЕСОМ ДО 80 КГ ВНУТРИ ЗДАНИЯ	100ШТ	0,18	6 949 535,32	1 250 916,36
34	УСТАНОВКА РАДИАТОРОВ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ АЛЮМИНИЕВЫЕ Н-500	100КВТ	0,171	44 380 384,92	7 589 045,82
35	УСТАНОВКА КРАНОВ СПУСКА ВОЗДУХА СТД 7073В, ЛАТУННЫЕ	КОМПЛЕКТ	19	23 904,47	454 184,84
36	ПОЛИПРОПИЛЕНОВЫЕ ФАСОННЫЕ ЧАСТИ АМЕРЕКАНКА, ЗАГЛУШКА	ШТ	38	4 133,85	157 086,30
37	ВЕНТИЛЬ ДЛЯ РАДИАТОРА ДУ20 ММ	ШТ	19	28 110,18	534 093,42
38	ПУСКАТЕЛЬ МАГНИТНЫЙ ПМЕ-221 УЗВ	ШТ	1	283 113,59	283 113,59
TRANSPORTNAYE RASCHODY					
	TRANSPORTNAYE RASCHODY NA OBORUDOVANIE		5%		2 217 542,71
	ИТОГО		2%		371 810,71
	НДС		15%		75 400 013,91
	ВСЕГО				11 310 002,09
					86 710 016,00



# "ТАСДИҚЛАЙМАН"



Самарқанд туман ХТБ  
бошлиғи  
Б.Мардонов

2022 йил "13"октябр

Самарқанд тумани ХТБ учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йигилиши  
**БАЁНИЗ**

2022 йил «13» «октябр»

Самарқанд тумани

Раислик қилувчи

Комиссия раиси:  
А.Хакимов

Иштирок этдилар

Комиссия аъзолари

## КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд тумани ХТБ га карашли 1 мактаб иссиқлик тизимини таъмирлаш ишларни бажариш бўйича 2022 йил -4 октябрда ЎзРТСБнинг электрон савдо порталига жойлаштирилган 22110012158410 -сонли лот Эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 11-октябрда энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган ва Самарқанд тумани ХТБ га карашли 1 мактаб иссиқлик тизимини таъмирлаш ишларни бажариш бўйича баённомага асосан элон якунига кўра “PARVIZ UNIVERSAL QURILISH” мсиј ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга асосан ташкил қилинган Товар хом ашё биржасининг давлат харидлари бўйича электрон савдосига 2022 йил 4-октябрда лот 22110012158410-рақамли эълони буйича қуидаги нарх, микдор, бошлангич баҳоси жойлаштирилган

т/р	Эълон берилган товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат)нархи	Электрон равища ютиб олинган баҳоси
1	ХТБ га карашли 1 мактаб иссиқлик тизимини таъмирлаш ишларни бажариш бўйича	Услуга	1	87 067 016	<b>86 710 016</b>
	жами				<b>86 710 016</b>

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан электрон равищдаги комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимиға жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд туман ХТБ бош ҳисобчиси Ашурев Ж.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 13 октябрдаги электрон баённомага асосан ғолиб “PARVIZ UNIVERSAL QURILISH” мсиј билан қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Самарқанд туман ХТБ бош мухандисига:

Етказиб берилған иш ва хизматларни ишларни сифатини сметада курсатилган тартибда ишларни қабул қилиб олинсин.

А.Хакимов

Ш.Абулхайров

Ж.Жалолов

Х.Норбоев

З.Узоков

**Комиссия раиси**

**Комиссия аъзоси,**

**Комиссия аъзоси,**

**Комиссия аъзоси,**

**Комиссия аъзоси,**